

АРХАНГЕЛЬСК шаҳрида 20 дан ортиқ хонадонда вояга етмаган "хонаки ўғри"лар томонидан ўғирлик содир қилинган. Контакт агент-лигининг хабар қилишича, 300 минг сўмлик ўғирлик ҳақидаги маълумотлар судга топширилган. Жиноятчиларнинг ешлари 14 дан 16 гача. Маълум бўлишича, улар "катта дўстлари"дан қарзларини узишмоқчи бўлишган экан. Терговчиларнинг таъкидлашларича, "ўғрича"лар орасида 10-12 ешли болалар ҳам бор экан.

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ шаҳрида телефон автоматларни бузганлик учун тўланадиган жарима миқдори 10 минг сўм қилиб белгиланди. Бу тадбирдан ижобий натижалар кутилмоқда.

ЯПОНИЯ жанубидаги йирик шаҳарлардан бирида яшовчи 28 ешли ўқитувчи ўқувчиларни интизомли, тартибли бўлишларига эришишнинг янгича усулини "кашф" этибди. Уй вазифасини бажармаганлик, ва қулоқсизлик учун ўқувчиларни ўзи яратган махсус мослама ердамида 70 вольтли электр токи билан жазолаган. Ўқувчиларнинг ота-оналарига, директорга арз қилишларига, бундай тарбия усулини таъқиқлашларига қарамай, ўқитувчи ўз усулининг самарасига умид қияпти. Ўз қилмишларини оқлаш мақсадида бу усулни аввал ўзида синаб кўрганлигини, таъкидламоқда.



تائنگ يولدوزى

ТОНГ

№ 33

(6505)
1992 йил
5 август
Чоршанба
Баҳоси:
30 тийин.

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган.

НОЛДУЗИ

ЎЗБЕКИСТОН
БОЛАЛАРИ ВА
ЎСМИРЛАРИНИНГ
ГАЗЕТАСИ.

МУҲАЙЁНИНГ "СИРЛИ СОВҒА"СИ КИМГА НАСИБ ЭТАРКАН?

Муҳайе бу йил 8-синфга ўтди. Бадий китоблар ўқиш унинг энг сеvimли машғулоти. Айниқса, турли топишмоқлар, бошқотирмалар ечишга қизиқади. Шунинг учун ҳам ўзи тузган жумбоғини муҳарририятимизга йўллаб, болалар унга жавоб топишларини сўрабди ва биринчилардан бўлиб тўғри, қизиқри жавоб йўллаган 3 нафар тенгдошига "сирли мукофот" ваъда қилибди. Ўзи жумбоқ ўйлаб топиб, ўзи унга хомийлик қилмоқчи бўлган Муҳайе ўз мактубида яна "Топишмоғимга жавоб йўллаган болалар билан дўстлашиш ниятидаман. Голиб чиққан ўқувчиларнинг номларини эса "Тонг юлдузи"га ёзиб юбораман" деб ёзган.

Шундай қилиб, омадингизни синаб кўринг. Топишмоқ жавобини Муҳайега ёзиб юборинг. Унинг манзилгоҳи куйидагича:

Инд: 717232. Наманган вилояти, Косонсой тумани, 22-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Муҳайе

Қосимовага.

ЖУМБОҚ

Гулбоғ кишлоғида Ўсмонжон исмли бир бола яшар экан. Кунларнинг бирида қўшни кишлоқдаги бувисиникига меҳмонга отланибди. Йўлга ҳозирлик кўраётиб, кийим-бошларини, яна кўк рангдаги туфлисини ҳам сафар халтасига жойлабди. Йўлда кета туриб, каттагина ўрикзорга кўзи тушибди. Эрта баҳор, ўриклар эндигина гўра бўла бошлаган бир пайтда бу боғда бир икки туп ўрикнинг пишиб қолганлигига кўзи тушиб қолибди. Баланд

деворлардан қандай қилиб ошиб тушсам экан-а, дея бош қотираётган Ўсмонжон боғ дарвозасининг кия очяқ қолганлигини пайқаб қолибди. Бир кўзи яхши кўрмайдиган боғ қоровули Ҳаким ака кўзларини юмган қуйи супада, супа тағида эса унинг қари ити мудрарди. Оёқ учида юриб боққа кирган Ўсмонжонни қоровул пайқаб қолибди. Ҳаким ака ковушини кийиб, уни қувишга шайлангунча Ўсмонжон каттакан сершоҳ ўрик дарахти устига чиқиб яширинибди.

Болалар, топинглар-чи, қоровул шум болани қандай қилиб қўлга туширса бўлади. Ахир Ўсмонжон қилмиши учун жазо олиши керак-ку?

Ростдан ҳам, қоровул Ўсмонжонни қандай қилиб қўлга туширади? Агар сиз бу жумбоқ ечимини топсангиз, Муҳайёнинг "сирли совға"сига сазовор бўласиз.

ТАҲРИРИЯТДАН: қадрли болалар! Сизлар ҳам агар иқтидорли бўлсангиз, ўзингиз турли топишмоқлар, йўшлар, конкурслар йўлаб топиб, ўзингиз уларга хомийлик қилиб, голибларни тақдирлашингиз мумкин. Ўйлаймизки, бу ҳамма учун қизиқарли бўлади.

Мактубларингизни кутамиз.

ТЎҒРИСИНИ айтсам, дастлаб ишонмадим. Томошалар бошлангач, бир чаккада ўз навбати кутиб ўтирган жажжигина қизалоқнинг енига келдим. Сочлари қўнғир тусли, оппоқ, қулча юзли, эндигина 4 ешга тўлган Муқаддасхон кун тафтидан кўзларини бироз қисганча атрофга бефарқ боқарди.

Бироз кейин шу кичкина қизчанинг баландлиги 14 метр келадиган дор устига чиқишини, олдинга, орқага юриб, хатто югуриб тумонат одамга томоша кўрсатишини кўз олдимга келтира олмадим. Навбати яқинлашган сари унинг ўрнига мен ҳаяжонланиб кетяпман, у эса хотиржам.

— Сен ҳам ҳозир ўша ерга чиқасанми? — саволга тутдим қизчани дорга ишора қилиб.

— Ҳм...

— Кўрқмайсанми?

Жавоб ўрнига бошини сарак-сарак этиб, "йўқ" ишорасини қилиб қўяқолди.

Биз ҳикоя қила бошлаган бу қизча Маҳаммаджон Раҳмонов бошчилигидаги Уш шаҳар дорбозлар гуруҳининг энг кичик қатнашчиси Муқаддасхон Ҳасановадир. Бу гуруҳнинг барча аъзолари қавми-қариндошлар. Жуда ешлик чоғлариданоқ дор ўйинини ўрганган, илк қадамини дор устида ташлаган гуруҳнинг еш қатнашчилари 4 ешли Элмуроджон, Дилмуроджон, Баҳодиржонлардан тортиб, уларнинг устозлари Илҳомжон Қувватов, Ақромжон Қомилларгача устозлари ҳақида суриштирсангиз, "Маҳкам дорбознинг набираларимиз-да", деб қўйишади фахр билан.

Айни кунларда "Меҳржон" сайлгоҳида болаларнинг ези таътилини янада мароқдироқ ўтишига ҳисса қўшаётган гуруҳ аъзоларининг қўли қўлига тегмайди. Карнай, сурнай, ноғораларнинг қалбларни шодлантирувчи садолари сайлгоҳда дам олаётган каттаю кичикки томошаларга чорлайди. Икки юзини нақш олмадек қип-қизил қилиб бўяб

ҚАНИ, СИНГЛИМ, БАРДАМ БЎЛ...

олган, болаларнигина эмас, хатто катталарни ҳам шодлантирувчи қулғили либослар кийиб "ясаниб" олган масҳарабозлар бир-бирларига гал бермай аскиябозлик қилишса, кичик дорбозларнинг дор устида ердагидан ҳам чаққонроқ ҳаракатлари томошабинларни лол қолдирди. Жажжи Муқаддасхоннинг дор устидаги ҳар бир қадамини диққат билан кузатаётган нигоҳларда ҳавотирланиш аломати: "илоё, эсон-омон ота-онасининг бағрига борсин-да" шивирлайди лаблар оҳиста...

Еш дорбозларнинг чиқишларини кузата туриб, қалбларимиз гурурга тўлгандек бўлди. Ахир улар бизнинг, ўзбек халқимизнинг фарзандлари-да! Дорбозлик эса камтарин халқимизнинг катта санъати. Уни дунегга кўз-кўз қилаётган машҳур дорбозларимиз ва уларнинг жажжи шогирдлари бизнинг фахримиздир.

Ф. ЖАЛИЛОВА.

Суратда: ўшлик кичик дорбозлар — Баҳодир Ҳасанов ҳамда Муқаддас Ҳасанова.

Р. АЛЪБЕКОВ суратга туширган.





— Хўжабой ака, эштинимизча, яқиндагина ташкил топган Ўзбекистон Орол болаларига ёрдам жамгармасига Сиз бошчилик қилаётган экансиз. Шу муносабат билан Сизга бир неча савол билан мурожаат қилмоқчи эдим.

— Марҳамат.

— Аввало, айтингчи, бу жамгарма ташкил қилинишининг асосий сабаби нимада?

— Ўзингизга маълумки, Оролбўйи минтақаларида яшаётган халқларнинг турмуш шароитлари тобора йилдан-йилга ночорлашиб бормоқда. Бунга асосан Орол денгизи сувининг пасайиб бораётгани, экологик вазият ғоят даражада нобоплиги сабаб бўлмоқда. Оролбўйи аҳолиси ўртасида турли хил касалликларнинг тарқалиши бошқа регионларга нисбатан анча юқори ўринда. Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда ҳар йили 6 минг бола ақдан заиф бўлиб туғилади. Ўзбекистонда яшовчи 13 ёшгача бўлган болаларнинг бўйи бошқа минтақалар (масалан Россия) даги болаларникидан 11 см. паст экан. Яна бир далил: Оролбўйида яшовчи 97 фоиз одам носоглом эмиш. Болалар ўлими ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади.

Хуллас, биз ушбу далилларга асосланиб, қолаверса, ўзимиз кўриб турганимиз учун ҳам хайрли ишга қўл уриб, Ўзбекистон Орол болаларига ёрдам жамгармасини ташкил қилишга жазм этдик.

— Тўғриси айтганда, ҳозирги кунда бизда жамгармаларнинг сони ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Одамлар ҳам, ҳозир иқтисодий танглик туфайли жағармаларга сал ўйлаброқ пул ўтказмоқдалар. Демокриманки, жамгармангиз халқдан тушган хайрия

ҳисобига...

— Йўқ. Ундай эмас. Бизнинг жамгармамизнинг бошқа жамгармалардан афзаллик томонлари ҳам шунда. Биз халқдан бир тийин ҳам пул олишни режалаштирганимиз йўқ. Чунки, боя айтганингиздай, ҳозирги иқтисодимиз оғир аҳволга тушиб қолган кунда бизлар ҳам ўзи бир аҳвода яшаётган халқимиздан пул сўрамоқчи эмасмиз.

— Бўлмаса, жамгармангиз ниманинг ҳисобига фаолият кўрсатади?

— Бу жамгарма Орол Қўмитаси

Қорақалпоғистоннинг шаҳардан ташқаридаги ноҳия-овулларида яшовчи болалар маданий дам олиш нималигини билмайди ҳам.

Бир нарсани билингки, агар биз ўз халқимизни, болаларимизни ҳимоя қилмасак, четдан келиб бошқа биров улар учун қайғурмайди. Мана шу мақсадда биз иш олиб бораяпмиз.

— Жамгарма яқиндагина ташкил топди, унинг олдида қандай вазифалар кўйилган ва шу пайтгача бирон-бир иш қилинди?

— Жамгармамизнинг вазифаси

«БИЗ ХАЛҚДАН ПУЛ ОЛМАЙМИЗ»

— дейди Ўзбекистон Орол болаларига ёрдам жамгармаси раиси Хўжабой Шомуродович АСҚАРОВ.

ҳузурида Орол тижорат маркази, Санкт-Петербургдаги “Темп” фирмаси, “Ўзбек-курортстрой”нинг Зарафшон қурилиши бирлашмаси ва яна бир қанча корхоналар ташаббуси билан ташкил этилди ва жамгарма шу йилнинг 8 майида Адлия Вазирлиги томонидан 188-сонли қарорга биноан рўйхатга олинди.

Жамгармамиз таъсисчилари ҳозирча 10 та фирма ва кичик корхоналардан иборат. Ҳозирнинг ўзида уларнинг ҳар бири жамгарма ҳисобига 50 минг сўмдан пул ўтказишди. Хуллас, биз ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ҳисобига иш олиб борамиз.

— Сухбатимиз бошида жамгарманинг ташкил қилиниш сабаблари ҳақида гапирган эдингиз. Энди мақсадлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Бу саволга мен қисман жавоб ҳам бериб ўтдим. Энди пухтароқ қилиб айтадиган бўлсак, бизларнинг мақсадимиз Оролбўйида яшовчи болаларни ҳар томонлама ҳимоя қилишдир. Кўз ўнгимизда қанчадан-қанча гўдаклар мажруҳ бўлиб туғилмоқда, таълим-тарбия, даволаш ишлари қониқарсиз аҳволда. Айниқса,

асосан шулардан иборатки, биз Оролбўйидаги болалар шифохоналарига ҳар хил тиббий асбоб-анжомлар етказишда ёрдам бериш, ёз ойларида Оролбўйи болаларини турли шаҳарлардаги лагерларга, санаторияларга юбориш, ногирон ва бошқа турдаги касал болаларни ҳар қандай вазиятда ҳам ихтисослашган шифохоналарда даволанишга кўмак бериш каби ишлар билан шуғулланамиз ва буларга кетадиган сарф-ҳаражатлар жамгармамиз ҳисобидан бўлади. Ҳа, дарвоқе, яна бир нарсаси: Оролбўйи минтақаларидаги болалар уйлари оналиққа олмоқчимиз. Жамгармамиз ташкил қилинишига кўп бўлгани йўқ. Қисқа вақт ичида талай ишларни амалга оширдик ва яна бир қанча иш-ни режалаштириб қўйдик. Улардан 25 май куни Ўзбекистон хотин-қизлар жамияти томонидан ташкил қилинган “Орол — Она — Бола” хайрия кечасини айтиш мумкин. Яна 1—10 июль кунлари бўлиб ўтган “Амударё — 92” илмий хайрия экспедициясининг ташкилотчиларидан бири бўлдик. Ёзги таътилни мароқли ўтказишлари учун Оролбўйи болаларини июль-август

ойларида Тошкентдаги лагерларда даволаниб, дам олишлари учун касалхона, санаторияларга олиб борамиз. Режамиз бўйича Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ, Шуманай, Чимбой, Хўжайли ва бошқа туманлардаги болаларни республикамиз болалар лагерларига ва Чимёндаги Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг санаториясига ҳамда 1-республика касалхонасига олиб келиш давом этмоқда.

Оролбўйидан келган болалар учун бундан ташқари, мустақил жумҳуриятимиз пойтахтининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этаяпмиз. Жумладан, Телеминорага, қўғирчоқ театрига, Ўзбекистон Миллий боғи ва болалар истироҳат боғига, ҳайвонот боғига борадилар.

— Шунча ишларни бажариш учун жамгарма ҳузуридаги корхоналарнинг маблағи камлик қилмайдими?

— Жамгарма таъсис этилганида унга 10 та корхона ва фирмалар аъзо бўлиб кирган эди (буларнинг ҳаммаси таъсисчилар). Ҳозирда ҳам яна бир қанча кичик корхона ва фирмалар бизга қўшилиш ҳаракатида юришибди. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, жамгармамиз ҳомийлари бундан буён ҳам кўпаяверади. Бундан ташқари, ўзимиз ҳам жамгарма ҳузурида кичик корхоналар очмоқчимиз. Шундай экан, биз кейинчалик маблағ масаласида қийналмасак керак.

— Ишларингизга ҳалал бераётган тўсиқлар ёки муаммолар ҳам борми?

— Биз жамгарма учун жой сўраб Тошкент шаҳар ижроқўмига мурожаат қилган эдик. Ҳозирча жавоб ологанимиз йўқ. Шунинг учун ҳам вақтинча Ўзбекистон Адабиёт Марказининг биносидаги 36-хонани ижарага олганмиз. Шу фурсатдан фойдаланиб, жамгармамизга аъзо бўлишни хоҳловчи фирма ёки кичик корхоналар бўлса улар учун манзилгоҳимизни эслатиб ўтамиз: Тошкент шаҳар, Туроб Тўла кўчаси 1-ўй, 36-хона. Қўнғироқ 45-72-59.

— Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат. Сизларга омад ёр бўлсин.

Ойбек АБУ САИД суҳбатлашди.

ОХИРГИСИ БЎЛМАСИН

Ривоят қилишларича, қадим замонларда бир зикна бой бўлганмиш, унинг беҳисоб кумуш тангалари бор экан. Лекин райиатга (қора халқ) қайишмас, фақат ўзим бўлсам, деркан. У далага чиқмас, ҳамма вақт саройида бойлигини кўриқлаб ётармиш. Кунларнинг бирида кучли зилзила бўлибди. Ва бойнинг саройи қулаб, ўзини босиб қолибди. Шунда райиат оқсоқоли сўз олиб дебди:

— Бойнинг харобасидан ҳеч ким ҳеч нарса олмасин. Чунки бойликка муҳтожлик жойимиз йўқ.

Райиат оқсоқолнинг айтганини қилибди. Ой ўтибди, йил ўтибди, хароба тупроқ остида қолибди. Мана бу гишлар ўша хароба қолдиқлари экан.

Биз, яъни 6-А “ ҳамда 6-Д” синф ўқувчилари, Сирдарё яқинидаги Аҳсиқентга саёҳатга борганимизда ана шу хароба олдида туриб, юқоридаги ривоятни эшитдик. Бу ривоят қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини билмадиму аммо қачонлардир бу ерда улкан сарой бўлганлигига ишондик.

Шундан сўнг ўқитувчиларимиз Ш. Сотволдиев ва М. Эргашев бошчилигида тепаликка қараб ўрладик, дараларни, қуёшнинг заррин нурларида минг жилва билан оқаётган ариқларни, тоғларни кўриб, дилдан ярадик, сайроқи қушларнинг овозини айтмайсизми...

Хуллас, бир сўз билан айтганда, саёҳат давомида қизиқарли ривоятлар эшитдик, ҳам табиат қучоғида завқландик.

Истардикки, бу саёҳатимиз охиригиси бўлмасин.

Наманган вилояти,
Тўрақўрғон тумани,
Шаҳанд қишлоғи.

Туркиянинг Селиле ҳамкорлик ширкати билан Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ўртасида тузилган битимга биноан яқин орада Ўзбекистоннинг бир қатор катта шаҳарларида 6 та хусусий мактаб очилади. Бу мактабнинг бош мудирини Четин Қоянинг таъкидлашича, шу йил сентябрь ойидан ўқитиш ишлари бошланади ва таълим инглиз ҳамда турк тилларида олиб борилади. Мактабларга 5-ва



ЭНДИ КОЛЛЕЖДА ҲАМ ЎҚИЙСИЗ

8-синфни битирган ўқувчилар қабул қилиниб, яқинда Тошкент, Бухоро ва Хоразм шаҳарларида кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди. Уларга бу йил фақат ўғил болалар қабул қилинган бўлса, кейинги йилларда қизлар учун ҳам коллежлар очилиши режалаштирилмоқда.

— Бу ўқув даргоҳларини битирганлар университетга кириш

имтиҳонларида чуқур билимларини намойиш қилиб, юз фоиз муваффақиятга эришиш билан бирга математика ва физика соҳасида Туркия ва жаҳон миқёсида таниладилар, — деди — Четин Қоя.

Дарҳақиқат, бу мактабларда дунё фанлари: математика, физика, кимё, инглиз тили ва туркча ўқитилади. Мақсад битта — дунё

миқёсида юксак зиёли кишиларни етиштириш ва турк халқи билан ўзбеклар орасидаги маданий ҳамкорликни мустаҳкамламоқдир.

Зиннат АВАЗОВА.

СУРАТДА: бу болалар коллежга кириш имтиҳонларини топширдилар.

Даврон АҲМЕДОВ олган сурат.



“Хар кимга қай аҳволда яшаш Аллоҳ томонидан азалдан nasib этган. Тиланчиларга эса мен ачинаман, хайр-эхсон қиламан. Лекин уларнинг кўпчилигининг тўрт мучали сог... Наҳотки, яшаш учун қурашнинг сўнги имкони шу бўлса!”
Йўловчининг фикри.

“Ёнингдаги ожиз одамни ҳис қила бил, унинг қалбига кир, кўзларига бокиб, ички оламини — кайғуси, бахтсизлиги, гам-аламини кўра бил. Кимнидир кадрлаш — бу уни ўзингга тенглаштиришнинг ўзгинасидир.”
Ж. Лабрюйер.

“Мен ҳар кун илтифат қилиб топашган пулимни ҳалол деб ҳисоблайман. Чунки мен уларни чайқовчилик ёки ўтрилик қилиб топашганим йўқ, аксинча, этишмовчилик тўғрисида очик юз билан дуо қилиб, топаялман. Айтишадик-ку “Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич” деб.”
Метронинг “Чилонзор” бекатидagi 14 ёшли тиланчи боланинг гапидан.

Биз уларни ҳор тонг ер ости йўлидан чиқиш жойида учратамиз. Улар чиқиш йўлчаларининг ҳар бурчагида ё чордона қуриб, ё тик туриб сизга нажоткорона қарашиб, қўл чўзишади, муножот қилишади:

Мени ёзуқларим беҳад, нечук қилгаймэн, эй, отам,
Сизга айтурга йўқдур тил, нечук қилгаймэн, эй, отам.

...Уларга яқинлашаман, хайримни қилиб, дуосини оламану кўнглимининг бир бурчагида улар билан суҳбатлашиш истаги туғилади. Ва...

Бугунги суҳбатдошимиз тиланчи бола Октябрдир.

— Октябр, оилада неча кичисизлар?

— Олтитамиз. Кенжаси ўзим. Ҳаммамиз тиланчилик қилиб, шунинг ҳисобига яшаймиз.

— Кўнглингга оғир олмагини тиланчилик қилиш қийин эмасми?

— Оғир, қийин... нима деяпсиз? Бошқа яна нима ҳам қилай?

— Тиланчиликнинг биринчи кунини қандай эслайсан?

— Мен хиёбонда туғилганман. Куз бўлган, ҳар сафар онам мени

дарахтлар орасига ётқизиб, яқин атрофимда тиланчилик қилар экан...

Тиланчиликнинг биринчи кунини эса яхши эслайман. Туш қайтар маҳал эди. Қўлларимни олдинга чўзиб

ТИЛАНЧИ БОЛА

ўтирардим. Ўтган-кетганлар бир-икки сўм ташлаб кетишарди. Шунда

бўйинбоғли бир киши келди, менинг қорайиб кетган сўлгин юзларимга узоқ тик-килди. Сўнг чўнтагидан бир бутун эллик сўмликни чиқариб менга тутди, ўйлаиб қолдим. “Шунча пулни олайми, олмайми?” деб...

Олдимдаги ёзиғлик рўмолчамга ташлади-ю “бююрсин” деб кетди. У

одам кетгандан сўнг пулни олдим шу яқин атрофимизда тиланчилик қилиб юрган отамга бўлган

воқеани айтиб бердим, отам у одам ҳақиқига дуо қилиб,

елкамга қоқиб қўйди.

Бу тиланчилигимнинг биринчи кунини эди.

— Биласанми, Октябр, боятдан бери мени бир нарса қизиқтиради. Исминг ростдан ҳам Октябрми ёки...

— Нима, галатими? 7 октябрда туғилганман, шунинг учун.

— Нечанчи синфга ўтдинг?

— Умуман ўқимайман.

Чунки бизларнинг оила узоқ вақт бир жойда яшамайди, у шаҳардан бу шаҳарга ўтиб,

тиланчилик қилиб юраемиз.

— Нималар ҳақида кўп ўйлайсан?

— Отам айтади: “Ўннингда нимани кўрсанг,

тушингга энгани ҳам шу” деб. Албатта, пул тўғрисида ўйлайман, кўп-кўп пулим бўлса...

— Демак, сен шу ишнингга “содиқ” қолар экансан-да?

Унда айт-чи, бир кунда қанча топасизлар?

— Мен ўзим олтмиш сўмлар атрофида. Оилавий эса... билмадим, менга айтишмайди.

— Кечаси қаерда тунайсизлар?

— Ҳов анов хиёбонда.

Шакар СУННАТОВ суҳбатлашди.

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

Қудратларнинг оила аъзолари тушган машина ҳалокатга учради. Деярли барча жароҳатланди. Қудрат эса ҳаммадан кўпроқ жароҳатланди: боши ёрилди, мияси чайқалиб, оғир тан жароҳати олди. Йил бошида рўй берган бу фалокат катталарни қаттиқ саросимага солиб қўйди: “Ишқилиб асорати қолмасин-да”, Шу воқеа сабаб бўлдими, касалхонадан тузалиб уйга қайтган Қудратжонни эҳтиётлаб, ҳар бир қадамини назорат қила бошлашди. Онаси эса кўчага ошққан ўғлига ҳар гал “Эҳтиёт бўлиб юргин, болагинам” дея тайинлашни қанда қилмасди...

...“Аяган кўзга чўп тушар” деганларидек, орадан бир ой ҳам ўтар-ўтмас, яна фалокат юз берди. Унинг деразасидан беҳосдан йиқилиб тушган Қудратжон қўлларидagi қаттиқ оғриқ азобидан ҳушидан кетаёзди. Уткир жароҳатлар касалхонасига келтирилгандан кейин ҳам оғриқ азобидан ҳамон инграрди. Маълум бўлишича, Қудратнинг ўнг қўли бир эмас, икки жойидан синган экан. Шифокорларнинг уринишлари зое кетди, синган суяклар ўз жойига тушмаётганлиги аниқланди. Жарроҳлик операциясидан бошқа чора қолмади. Усиз ҳам хавотирдан эзилган онаизор учун бу кутилмаган зарба бўлди. Шашқатор кўз ёшларини яшириб, операцияга кириб кетаётган ўғлига далда беришга харчанд тиришмасин, бунинг улдасидан чиқа олмасди. “Сенинг азобингни менга берсайди, худойим, болажоним” дея усиз пичирлар эди лаблари...

Ташвишли кунлар ҳам ортда қолди. Неча кунлаб фарзанди қошида мижжа қоқмай ўтирган онаси, опасининг кўнгли бироз ёришгандек бўлди. Қудратжон дармонга кира бошлади. Бир йилнинг ҳисобида уч марта касалхонага тушган, таътилни ҳам деярди шу ерда ўтказётган бўлишига қарамай, дўстлари уни ёлғизлатиб қўйишмаяпти, ўқитувчилари ҳам келиб туришади. — Бу ерда зерикмаялман, — дейди кулимсираб Қудратжон — Китоблар ўқийман, Зумрад опамдан араб алифбосини ўрганапман.

— Менинг “артист” ўғлим билан гаплашайсизми? — суҳбатимизга қўшилди Қудратнинг даволоччи шифокори Искандар ака Хўжаев ҳазиломуз. — Касалхонамизда Қудратжон сингари “қаҳрамонларнинг” кўплиги ачинарли ҳолдир. Айниқса, ёзги таътил кунлари болалар орасида бахтсиз ҳодисалар кўпаяди. Мевали дарахтларга чиқишади, машиналар серкатнов йўлларда ўйнашади. Бундай нохуш ҳодисаларнинг содир бўлишига нафақат болалар, айрим лоқайд ота-оналар ҳам сабабчи бўлишади, деб ўйлайман. Ачинарли томони шундаки, кўпгина ҳайдовчиларимиз болаларни уриб кетиб, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ўрнига, номардларча қоқиб қолишади...

Кези келганда болажонларга бир ўтинч. Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Арзимаган сабабларга кўра бутун умр майиб-мажруҳ бўлиб қолманг. Сизларга шамолни ҳам раво кўрмайдиган оналарингиз бахти учун ҳам соғ-омон юринглар.

Озод ҲАМИДХўЖАЕВ.
Тошкент

Болалар! Газетамизнинг шу йил, 4 март сониди “Светофор—92” ўйин-викторинасининг 1-тур савол ва топшириқларини эълон қилган эдик. 1-тур саволларига 100 дан ортиқ жавоб мактублари олинди. Бу, албатта, оз ва айрим вилоятларда болаларга йўл ҳаракати қондаларини ўргатиш яхши йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради.

Тошкент шаҳридан битта, Сирдарё, Жиззах вилоятларидан бирорта ҳам жавоб олмаганлигимиз фикримизнинг далилидир.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм вилояти ўқувчилари танловда анча фаол қатнашдилар.

Тожикистонлик, қозоғистонлик ўқувчиларнинг ҳам танловда иштирок этганликлари бизни қувонтирди.

Қўйидаги тенгдошларингиз “Светофор—92” ўйин-викторинасининг 1-тур саволларига биринчилардан бўлиб тўғри жавоб йўллашган.

1 ТУР ГОЛИБЛАРИ

Эшматов Ислонбек, Хоразм вилояти, Янгиариқ туманидаги “Олга” ўрта мактабининг ўқувчиси; Исаева Мадина, Тошкент шаҳар, Киров туманидаги 9-мактаб ўқувчиси; Исмоил Жонзоқов, Самарқанд вилояти, Иштиқон туманидаги 26-мактаб ўқувчиси; Адамар Тожибоев, Наманган вилояти, Норин туманидаги 37-мактаб ўқувчиси; Андижон вилояти, Хўжаобод туманидаги 5-мактабининг бир гуруҳ ўқувчилари; Матлуба Тоирова, Самарқанд вилояти, Пастдаргом туманидаги 24-мактаб ўқувчиси; Жасур Раҳимов, Андижон вилояти, Пахтакор туманидаги 1-мактаб ўқувчиси; Марҳоба Ўринова, Наманган вилояти, Уйчи туманидаги 18-мактаб ўқувчиси; Зулхумор Ёқубова, Наманган вилояти,

Косонсой туманидаги 26-мактаб ўқувчиси; Шербек Рустамов, Самарқанд вилояти, Тойлоқ туманидаги 1-мактаб ўқувчиси; Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон туманидаги 6-мактабининг 4-“А” синф ўқувчилари; Анвар Ганжаев, Хоразм вилояти, Боғот туманидаги Коморов номли мактаб ўқувчиси;

Зумрад Юсупова, Фарғона вилояти, Охунбобоев туманидаги 20-мактаб ўқувчиси; Мақсуда Шерқулова, Қашқадарё вилояти, Фузур туманидаги А. Навоий номли мактаб ўқувчиси; Жасур Суярлов, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманидаги 28-мактаб ўқувчиси.

ЖАВОБЛАР.

1. Йўлнинг транспорт қатнайдиган қисмида велосипед ҳайдовчилари бир қатор бўлиб йўлнинг ўнг четидан кўпи билан 1 метр масофада юришларига рухсат этилади.

2. А томонга юриш мумкин.

3. 14 ёшга тўлган болалар велосипед, 16 ёшга тўлган болалар эса моторли велосипед хайдашлари мумкин.

4. Велосипед ҳайдаётган дўстларимиз нотўғри ҳаракат қилишяпти.

5. Велосипед ҳайдовчиси рулни қўйиб юбориб юриш, велосипед техник жиҳатидан носоз бўлса юриш, тратуарларда ва пиёдалар йўлаклариди, йўлнинг транспорт қатнайдиган қисмида юриш, транспортларга осилиш, велосипедни бошқаришга ҳалақит берадиган юкларни ташиш, бўйи ёки эни велосипед ўлчамларидан ярим метрдан кўпроқ туртиб чиқадиган нарсаларни ташиш тақиқланади.

II ТУР САВОЛЛАРИ

1. Саёҳатларга қандай транспорт воситаларида чиқиш хавфсиздир?

2. Агар велосипед бузилиб қолган бўлса, уни транспорт воситаси шатакка олиши мумкинми?

3. Юк автомашинасига чиқаётган дўстларингизнинг ҳаракатини қандай изоҳлайсиз?


4. Нима учун йўлнинг ўртасида ёки йўл ёқасида турли ўйинлар уюштириш мумкин эмас?

5. Ёзги таътил даврида йўл ҳаракати ёш назоратчиларининг вазифалари нималардан иборат?

“Светофор—92” ўйин-викторинасининг материалларини Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Жумҳурият ўқув методика марказининг етакчи методисти

Ф. СОДИҚОВ тайёрлаган.

Рассом хандаси



Хитой Халқ Республикаси, Шинжон автоном туманининг «Торим гунчалари» ойномасидан олинди.



«ТОПОЛМАДИНГ»
Д. АХМАД туширган сурат.



ТЎЛҚИН

Алишерларнинг шаҳар чеккасида шундоқкина Зоғариқ бўйларида ажойиб боғлари бор. Бобоси билан буваси — чолу кампир қишин-ёзин ўша боғда яшашади. Ҳар йили таътил кунларини Алишер ўзининг тенгқур амакиваччалари — бобосининг ширин-шакар неваралари билан шу боғда ўтказишади. Саксонларни орқада қолдириб кетган Бобо умр бўйи боғбончилик қилган. Боғга қараш тилини билади, дарахтларнинг шивирлаган сўзларига тушунади. Шохдан-шоҳга сакраб, ғужғон ўйнаган қушларнинг гапларини тинглаб, бемалол мулоқотда бўлади. Боғнинг этагидаги ҳозир баҳайбат бўлиб кетган қатор ёнғоқларни Бобо ёш-ликларида эккан эканлар. Шу ёнғоқларнинг таги ҳар йилгидек бу йил ҳам болаларнинг энг севимли жойи. Бир томони шинг олмазорга туташ. Бобо олмазор тагида барқ уриб турган ям-яшил бедазорга сув тарамоқда. Белига эса ток қайчи қистириб олган. Ҳар бир дарахтнинг бачқи шохларини гўё сочи олгандай шарт-шарт кесиб ташлайди. Ҳу, энг четдаги азамат ёнғоқнинг йўғон шохига арқон билан арғимчоқ солинган. Унда учиш хўп маза-да! Шу арғимчоқ биз, болалар, ўртасида кўпинча талаш бўлади. Бугун ҳам серхархаша

Рустам арғимчоқни эгаллаб олди-да, бошқаларни йўлатмади.

Бошқа болалар у билан талашиб ўтириш фойдасизлигини сезишди-да, унинг ўзини ёлғиз қолдиришиб, чиллак ўйинига тушиб кетдилар. Болалар — Алишер, Фаррух, Шерзод аҳил бўлиб ўйнашар, бу ўйиндан зериккан чоғлари эса Бобо ясаб берган кўлбола ҳовузда чўмилишарди. Қуюқ соя тўшаган ёнғоқ шохларида қушлар ҳам гўё болаларни олқишлаётгандай базм бошлаб юборишган: "вижир-вижир", "чирқ-чирқ", "вижир-вижир".

Шу пайт тўсатдан бир қуш тап этиб болалар ёнига келиб тушди.

— Вой, манави қушни қаранглр! Дарахтдан йиқилиб тушди, — деди Дилшод қушни авайлаб олар экан. Бу ҳолни яқиндан кўриб турган Бобо болаларга яқинлашди-да,



НОВЕЛЛА

неварасининг кўлидан қушни ўз кўлига олди:

— Вой, жонивор-ей, жонивор-ей, сенга нима бўлди? — деб, қушнинг тумшугини оғзига тутиб, тупугини ютқазди.

— Касал бўлиб қолибдимиз? — сўради Алишер.

— Йўқ, қуш яраланган! — деди Бобо қушнинг ола-була қанотларини кенг ёзиб, қуруқшоқ бармоқлари билан қанотларини оҳиста пайпасларкан. — Бечора зағизғон. Ажойиб қуш. Ҳар йили шу ёнғоқ тепасига уя қуриб, бола очади. Жониворнинг чап қанотидаги учта пати лат ебди. Кимдир тош

отибди. Қушга жабр қилибди...

— Уни менга бера қолинг! — сўради муғомбирона оҳангда даврага яқинлашиб Рустам.

— Йўқ, сен ўлдириб қўясан. Уни ўзим даволайман! — деди Бобо ва болаларни сўроққа тутта бошлади:

— Ичларингда қушларга тош отганларинг йўқми?

Болалар жим.

— Алишер, сен отмадингми?

— Йўқ,

— Дилшод, сен-чи?

— Йўқ!

— Фаррух ёки сен отдингми?

— Йўқ!

— Рустам, мабодо сен отмадингми?

— Йўқ, йўқ! — Рустам иштонбоғига қистириғлик нарсасини икки кўллаб ушлаб беркитган бўлди. Бобо унинг бу аҳволдан ниманидир сезган бўлса-да, билмаганга олиб деди:

— Болажонларим, қушларда ҳам тил бор. Жони ачиганини айта олади, ким тош отганини ҳам билади. Уни тилини мен тушунаман. Сизлар тушунмайсизлар. Мана, ким тош отганини айтаяпти. Майли, у болакай уялмасин деб, мен исмини айтмайман. Аммо билиб қўйинглр: қушларга ҳеч қачон тош отиб бўлмайди. Уларнинг ҳам жони бор. Улар ҳам йиғлайди. Жони ачиса, қарғайди. О, болажонларим, қушларнинг қарғиши ёмон бўлади! Қушларга ҳеч қачон тош отманглр, ширинтойларим! — деб Бобо ярадор қушнинг майиб бўлган патларини оҳиста силар, қушга бу хуш ёқар ва миннатдор бўлгандай Бобога мўлтирарди.

Болалар Бобони ўраб олишганди. Шу пайт бирдан Рустамнинг хўрлиги келиб йиғлаб юборди-да, иштонбоғига қистирган кўлбола тошотарини югуриб бориб Зоғариққа улоқтирди...

Азиз фарзандимиз САДОҚАТХОН!
Сени 8 баҳоринг билан самимий қутлаймиз. Доимо садоқатли, меҳрли ва ширинсухан қиз бўлиб вояга етишингга тилакдошимиз. Чехрандан табассум аримасин!
Сени дилдан қутлаб: ота-онанг ва акаларинг. Самарқанд вилояти, Пастдаргом тумани, "Янги саннат" қишлоғи.



Суюкли қизимиз НИЛУФАРХОН! Сени 7 баҳоринг билан муборакбод этамиз. Ҳамиша қувноқ ва шодон юртин. Уқиш ва ишларингда омадлар тилаб: Даданг Бахтиёр, ойинг Раҳима, аканг Сардор ва уканг Сарвар.

Наманган вилояти, Поп туманидаги Санг қишлоғи.



Қизалоғимиз РАЪНОХОН!
Сенинг таваллуд кунинг оиламиз учун катта шодийна. Қувончли кунингга сени чин дилдан қутлаб, эзгу ниятлар билдирамыз. Умринг узоқ, ҳаётинг сермазун, ўқишларингда омадлар ёр бўлсин.

Очиловлар оиласи.
Қарши шаҳри, Фидокор кўчаси, 10-уй.



Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:

В. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОЕВ,
А. КУЧИМОВ, М. РАҲИМБЕРДИЕВА,
Т. КАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ [масъул котиб].

Таъсис этилган:
УЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ

Бизнинг манзилгоҳимиз:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ. 700083,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Газета ҳафтаининг чоршанба
ва шанба кунлари чиқади.

Маълумот учун телефон: 32-54-21

Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-
матбаачилик концернининг босмаҳонаси.

Тошкент шаҳри. 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй
Чоп этиш вақти — 18.00.

Буюртма № Г-27. Нашр кўрсаткичи 64563.

